

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг
2016 йил 27 сентябрдаги
1512д-сонли хужжат билан
ТАСДИҚЛАНГАН

РАҲБАРИЯТ ҚАБУЛИГА КИРИШ РЕГЛАМЕНТИ

1.1. Номи

Рахбарият қабулига ёзилиш.

1.2. Хизмат кўрсатувчи бўлим

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раисининг қабулхонаси

1.3. Ҳуқуқий асоси

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 сентябрьдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 441-сонли Қарори ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Устави.

1.4. Хизматдан фойдаланувчилар

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар.

1.5. Ижро муддати

Мурожаат Палатага келиб тушган қундан эътиборан ўн беш кун мобайнида кўриб чиқилади ва мурожаатчига хабар берилади.

1.6. Мурожаатчини хабардор қилиш

Мурожаатчига мурожаатининг ижроси бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раисининг ёрдамчиси томонидан учрашув санаси, вақти ва жойи хақида хабардор қилинади.

1.7. Мурожаат ижроси вақти

Мурожаат ижроси фақатгина иш куни ва иш вақтида амалга оширилади. Шунингдек, Палата томонидан тасдиқланган қабул кунларида ҳам амалга оширилиши мумкин.

1.8. Рад қилиш асослари

Савдо-саноат палатаси ваколатига кирмайдиган масалалар;

Аноним мурожаатлар;

Мурожаат мазмуни умум қабул қилинган этика қоидаларига зидлиги, инсонни камситиш, зўравонлик, таҳқирлаш каби салбий ҳолатларга тўғри келиши;

Амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.